

3-SHO‘BA

MOLIYAVIY SAVODXONLIKNI OSHIRISH ORQALI AHOLI TURMUSH FAROVONLIGINI KO‘TARISHNING USTUVOR YO‘NALISHLARI

ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУЛАЙ СОЛИҚ МУҲИТИНИ ИННОВАЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ АСОСИДА ЯРАТИШ

Базаров Фурқат
ТДИУ, и.ф.н., доцент

Жаҳон тажрибалари кўрсатишича, ҳозирги кунда инновациялар нафақат алоҳида ташкилотларнинг ривожланишида, балки миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш, аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилаш ва унинг фаровонлигини оширишда муҳим роль ўйнайди.

Муваффақиятли инновацион ривожланишнинг асосий омилларидан бири хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлашнинг самарали тизими ҳисобланади. Иқтисодиёт-ни инновацион ривожлантиришда давлат ўз қўлидаги барча иқтисодий инструментлардан, жумладан фискал, тариф, пул-кредит, суғурта ва бошқа иқтисодий механизмлардан фойдаланади.

Ҳозирда етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари, ривожланган давлатлардаги нуфузли олий таълим ва илмий муассасалари томонидан иқтисодиётни инновацион ривожлантириш аҳами-яти ва муҳимлиги, шунингдек, илмий тадқиқот ва инновацион фаолиятни тартибга солишда солиқ механизмидан самарали фойдаланиш ва уни такомиллаштириш зарурати, солиқнинг рағбатлантириш ва чеклаш функция-сидан уйғунликда ва оқилона фойдаланиш, илмий тадқиқот ва тажриба конструкторлик ишлари (ИТТКИ) рағбатлантиришда солиқ механизми таъсирчанлиги ва самарадорлигини ошириш, шу билан бирга, мазкур фаолият турларига инвестицияларни фаол жалб қилишда, инновацион фаол-ликни оширишда ва инновацион жараёнларни жадаллаштиришда солиқлар-нинг ролини кучайтириш юзасидан кенг қамровли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда «ҳар бир ишлаб чиқариш соҳасида тармоқ илмий тадқиқот муассасалари, конструкторлик бюrolари, тажриба, ишлаб чиқариш ва инновацион марказлар бўлиши мақсадга мувофиқдир. Биз мамлакатимизда инвестицияларни фақатгина иқтисодиёт тармоқларига эмас, балки илмий ишланмалар, “ноу-хау”лар соҳасига ҳам кенг жалб қилишимиз керак»⁴⁶. Мамлакатимизда сўнгги йилларда

⁴⁶ Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. 20-бет.

тадбиркорлик субъектлари учун қулай солиқ муҳитини яратиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу эса, иқтисодий инновацион ривожлантиришда хўжалик юритувчи субъектларни инновацион фаолият билан фаол шуғулланишларини солиқлар воситасида рағбатлантиришнинг комплекс тизимини ва амалдаги солиқ механизмларидан самарали фойдаланишга ягона методологик ёндашувни ишлаб чиқиш заруратини тақозо этади.

Иқтисодий инновацион ривожлантиришни солиқ механизмидан самарали фойдаланиш масалалари бўйича изланишлар жаҳоннинг етакчи халқаро молия институтлари, илмий тадқиқот марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, Бирлашган миллатлар ташкилотининг Европа иқтисодий комиссияси (Швейцария), Жаҳон банки (АҚШ), Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки (АҚШ), Халқаро валюта фонди (АҚШ), Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (Франция), Европа комиссияси (Белгия), Бюджет ва сиёсат устуворликлари маркази (АҚШ), Беккер Фридман институти (АҚШ), Милкен институтининг Ишчи ўринлар ва инсон капиталлари маркази (АҚШ), Консалтинг ва аудит халқаро тармоғи (Буюк Британия), Ҳукумат ҳузуридаги илмий тадқиқот маркази (Австралия), Халқаро илмий ҳамкорлик маркази (РФ), Инновациялар бўйича ҳукумат агентлиги (Буюк Британия) ва Европа ички солиқ маъмуриятчилиги ташкилот (Венгрия)лари томонидан амалга оширилмоқда.

Халқаро валюта фонди ҳисоботида кўра, сўнгги йилларда жаҳонда ИТТКИ ва инновацион фаолиятни солиқлар воситасида рағбатлантириш усули бюджетдан бевосита молиялаштириш усулига нисбатан аксарият мамлакатлар томонидан фаол фойдаланиб келинмоқда.

Дунёда иқтисодий инновацион ривожлантиришда солиқ механизми-дан самарали фойдаланишнинг илмий-назарий, методологик, услубий ва ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш бўйича қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларнинг аксариятида айнан иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг асоси ҳисобланган ИТТКИ ҳамда инновацион фаолиятни рағбатлантириш, қўллаб-қувватлаш ва уларга қулай муҳитни яратишда асосан солиқ механизмларига мурожаат қилинганлиги, ушбу механизмлардан самарали фойдаланиш орқали сезиларли ижобий натижаларга эришилган-лиги қайд этилган.

Маълумки, замонавий иқтисодий ривожини инновациялар ва инвестицияларсиз таъминлаб бўлмайди. Шу сабабли, тадбиркорлик субъектларини илмий тадқиқот ва инновацион фаолият билан шуғулланиш, мазкур фаолиятларга инвестицияларни фаол жалб қилиш, инновацион маҳсулотлар ишлаб чиқаришга рағбатлантириш ҳар қандай замонавий давлатнинг иқтисодий тартибга солишдаги асосий вазифаси бўлиб ҳисобланади. Шу жумладан, Ўзбекистон иқтисодий жабҳада ривожлантириш, инвестициялар оқимини кучайтириш, фан-техника ютуқларини иқтисодий тармоқларига, ижтимоий ва бошқа соҳаларга кенг қўллаган ҳолда замонавий инновацион технологияларни тезкор жорий этиш бугунги кунда ва яқин келажакда давлат ҳал қилиши лозим

бўлган жуда муҳим, долзарб масаладир. Солиқ механизми иқтисодий тартибга солишда, шу жумладан инновацион ривожланишни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришда давлат қўлидаги энг самарали таъсир кўрсатиш воситаси ҳисобланади.

Солиқ механизмидан фойдаланиш асосида инновацион ривожланишни таъминлаш одатда солиқ имтиёзлари ва енгилликларнинг инновацион корхоналар фаолиятига рағбатлантирувчи таъсирга асосланади. Айти пайтда, солиқлар иқтисодий давлат томонидан тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланилиши солиқларнинг тартибга солиш, шу жумладан рағбатлантириш, чеклаш ва қоплаб бериш функцияларидан фойдаланишга асосланган. Тартибга солиш функциясининг таъсири солиқ тўловчиларнинг турли объектлари ва тоифаларини нотекис солиққа тортилиши билан асосланади. Солиқ юкининг нотекислиги, ўз навбатида, керакли самарани яратади. Бунда, устувор йўналишда солиқ юкини юмшатиш орқали давлат ушбу йўналишда иқтисодий ривожланиш учун янада қулай шароитлар яратади, бошқа йўналишда солиқ юкининг ошиши ривожланиш учун қўшимча тўсиқларни келтириб чиқаради.

Фикримизча, иқтисодий инновацион ривожлантиришда нафақат рағбатлантириш (пасайтирилган солиқ ставкалари, солиқ таътил-лари, солиқ чегирмалари ва бошқа имтиёзлар) хусусиятига эга чораларни қўллаш, балки инновацион фаолликни ошириш бўйича чораларни кўрмаётган субъектларга нисбатан чеклаш (солиқ ставкаларини ошириш, қўшимча солиқларни жорий этиш, имтиёзлардан фойдаланишга чекловлар) ҳамда қоплаб бериш (0 ставкасини қўллаш) хусусиятига эга механизмларни қўллаш мақсадга мувофиқ.

Инновацион фаолиятга солиқ механизмнинг ижобий таъсирини ошириш мақсадида нафақат бюджет маблағлари ҳисобидан, балки бюджет-дан ташқари ва хусусий маблағлар ҳисобидан бажариладиган илмий тадқиқот ва инновация ишларини ҚҚСдан тўлиқ озод қилиш ўрнига мазкур солиқнинг пасайтирилган ставкаларини қўллаш лозим.

Илмий тадқиқот натижаларини сифат жиҳатдан яхшилаш ва амалиётга жорий қилишни жадаллаштириш учун бюджет маблағлари ҳисобидан грант лойиҳаларида миллий шартномалар асосида илмий тадқиқот фаолиятини амалга оширадиган иштирокчиларнинг лойиҳа доирасидаги даромадларига нисбатан даромад солиғининг пасайтирилган ставкасини қўллаш ва тадқиқот натижаларидан келиб чиққан ҳолда даромад солиғидан озод қилиш мақсадга мувофиқ. Иқтисодий инновацион ривожлантиришнинг муҳим шарти ҳисобланган инновацион фаолиятнинг барча босқичларини солиқлар воситасида комплекс рағбатлантириш зарур.

Адабиётлар рўйхати:

1. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисига Мурожаатномаси. – Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2019. 20-бет.

2. Некрасов В.А., Некрасова В.В., Новиков В.М. Введение в теорию современного менеджмента: Учебное пособие. Ростов н/Д.: Изд-во «Эверест», 2011.

3. Барулин С.В., Ермакова Е.А., Степаненко В.В. Инновационный менеджмент: Учебное пособие. М.: Омега-Л. 2007.

4. Хотинская Г.И. Налоговый менеджмент и его эффективность // Финансовый менеджмент. 2002. № 2. С. 23.

BANK XIZMATLARINING RAQOBATBARDOSH BOZORINI SIMULYASIYA QILISH UCHUN BANK KREDITLARI BO‘YICHA MUVOZANATLI BOZOR STAVKALARINI SHAKLLANTIRISH YAGONA AXBOROT PLATFORMASINI YARATISH

Abdulazizova O‘g‘iloy

*PhD, TDIU huzuridagi “O‘zbekiston iqtisodiyotini
rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari” ITM*

O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev raisligida 2024-yil 16-yanvar kuni makroiqtisodiy barqarorlik va iqtisodiy rivojlanishni ta’minlash bo‘yicha ustuvor vazifalar muhokamasi yuzasidan videoselektor yig‘ilishi o‘tkazildi va ushbu yig‘ilishda bank tizimi barqarorligini ta’minlash, iqtisodiyotga kreditlar yo‘naltirish masalalariga ham to‘xtalib o‘tildi. **Bozor mexanizmlari asosida kredit stavkalarini kamida 2-3 foizga tushirish bo‘yicha dastur ishlab chiqish vazifasi qo‘yildi.**

Tadqiqotlarimiz natijalariga ko‘ra moliyalashtirish manbalari bo‘yicha asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investisiyalar tarkibini sifatli baholash asosida tizimli muammolarning mavjudligi mamlakat iqtisodiyotida raqobat muhitining buzilishiga olib keladi degan xulosaga kelishimizga imkon beradi.

1-jadval

Moliyalashtirish manbalari bo‘yicha asosiy kapitalga o‘zlashtirilgan investisiyalar tarkibi (jami foizda)

	2000	2005	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022
Korxonalar va aholining o‘z vositalari	39,1	57,5	52,5	56,2	54,4	47,3	42,0	29,3	40,8	38,1	40,8
Qabul qilingan mablag‘lar	60,9	42,5	47,5	43,8	45,6	52,7	58,0	70,7	59,2	61,9	59,2
<i>Shu jumladan:</i>											
Davlat byudjeti	29,2	12,2	5,2	4,2	4,3	4,8	4,5	9,0	6,8	8,8	7,8
Xorijiy investisiyalar	23,2	21,7	26,4	18,5	20,7	23,8	24,3	43,6	42,7	42,7	36,0
bank kreditlari va boshqa qarz mablag‘lari	7,2	3,8	9,0	11,0	10,8	12,6	17,8	13,8	7,6	8,0	7,8

Izoh: Muallif tomonidan O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Statistika agentligi ma’lumotlari bo‘yicha tuzilgan